



ТОШКЕНТ

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 29 (9.067)



1998 йил

13 март, жума



Сотувда эркин нархда

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМ

Вазирлар Маҳкамасида 11 март куни Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Наврўз халқимизнинг энг қадимий, энг миллий, энг севимли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила орзиқиб кутади, деди Президент. Мамлакатимизда байрамлар кўп. Лекин Наврўзнинг таровати, шукхи ўзгача. У аввало, табиатнинг уйғониш байрамидир. Баъзан ҳаёт ташвишлари билан бўлиб табиатга узвий боғлиқлигини унутиб қўямиз. Ваҳоланки, инсон табиатнинг энг олий маҳсулидир.

Наврўзнинг иккинчи хусусияти, у бизнинг миллий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йиллардан буён Наврўзни шодлик ва бахт айёми сифатида нишонлаб келади. Наврўз миллий қадриятларимиз мужассамлашган, миллатимизга хос ва мос байрамдир.

Баъзан Наврўзни динга қарама-қарши қўядилар. Наврўз диндан олдин пайдо бўлган. Унинг анъаналарида динга ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Наврўз яшариш байрамидир. Табиат уйғонса, одамзод яшаради. Унинг кайфияти кўтарилиб, дунёқарши ўзгаради. Чунки у табиатдан куч олади.

Наврўз орзу-умидлар байрамидир. Баҳор бошлангани билан деҳқон ерга уруғ сочида, боғбон кўчат экиб, боғ барпо этади. Буларнинг ҳаммаси унинг эртанги кун орзулари билан яшаётганидан, ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир.

Наврўз меҳр-мурувват



Рўздат Жуманиёзов (ЎЗА) олган сурат.

айёми. Инсон ҳамиша табиатга ошиққади. Чунки одамзод табиат қўйнида покланади, унда олижаноблик, меҳрибонлик ҳислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Наврўзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу ишда саховатпеша, савобталаб ишбилармонлар барчага ўрнак бўлиши керак.

Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати — мафқурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрам эканлигидир. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар

юрақда бор туйғуларини юзага чиқаришлари, интилишларини ифодалашлари, орзу-умидларини намойиш эта олишлари имконият яратиб берайлик.

Ислам Каримов Наврўз байрамига тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқди. Байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳалларни тозалаш, ободонлаштириш кишлоқу шаҳарларимизга ўзгача фойда бағишлайди. Бу борада маҳалла, кишлоқ оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқоқ бўлиши, ҳақарга чиққанларга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

Президент Алишер Навоий номидаги Миллий

боғда бўлиб ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос томонлари акс этиши зарурлигини таъкидлади. Мумтоз куй ва қўшиқлар, дорбозлар, полвонлар, масҳарабозларнинг чиқишлари билан бирга, миллий эстрадага ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

«Алпомиш» достонининг минг йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилоқда. Халқ озғани ижодининг ўлмас намунаси бўлган бу достон бевосита Наврўз билан боғлиқдир. Унда ҳам халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи-ю, миллий анъаналари акс этган. Алпомиш келбат алп йигитлар, Барчиной сингари гўзал ва дилбар қизлар макони

бўлган Ўзбекистонда Наврўз ўзгача руҳ ва тантана билан ўтишига шубҳа йўқ.

Наврўз бир кунлик байрам эмас. У уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзи экан шаҳар ва қишлоқларда, овулларда баҳор бўйи давом этади. Уни миллати ва элоти, дини ва эътиқоди қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси кенг нишонлайди.

Наврўз анъаналарида миллий қадриятлар билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳам мужассамлашган. Қадимда бу кутлук кунларда урушлар тўхтатилган, ўзаро низолар барҳам толган. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари Наврўзни ўзгача орзу, ўзгача интиқлик билан кутади.

Мажлисида Наврўз умум-

халқ байрами томошасининг сценарий муаллифи, Ўзбекистон Халқ шоири А. Орипов, байрамнинг бош режиссёри Р. Ҳамидов, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, «Ўзбексаудо» ҳиссасдорлик компанияси раиси З. Файзиёв, ички ишлар вазири З. Алматов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов байрамга тайёргарлик ва уни қўнғилдагидек ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот бердилар, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Наврўз муносабати билан Миллий боғда меҳнатқашлар учун 3200 жой хозирланди. Байрам кунлари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Ҳадра, Улугбек, Халқлар Дўстлиги, Алишер Навоий номидаги театр майдонларида, Амир Темура хиёбони, Сайилгоҳ кўчаси, Сергели дам олиш маскани ва бошқа жойларда ҳам Наврўз шодийналари бўлиб ўтади. Сумалак ва ҳалим пиширилади, савдо кўргазмалари ташкил этилади.

Йўғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎЗА).

БУГУНГИ КУН
НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Кеча Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида айрим вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, Тошкент вилояти ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисида бу йилги кўклам-ёз мавсумларида Тошкент вилоятида сел ва тошқинлар, қор ва тупроқ кўчкилари ҳамда уларнинг оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

◆ Олий ҳўжалик судининг кенгайтирилган раёсат мажлисида Президентнинг «Ҳўжалик йоритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

◆ Конституциявий суднинг навбатдаги мажлисида айрим ҳўқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мувофиқлиги ва уларнинг қўлланилишини текшириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда қабул қилинган қарорларда мазкур ҳўқуқий нормаларни Конституцияга мувофиқлаштириш чора-тадбирлари кўрсатиб берилди.

◆ Кеча Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди. Марказий Осиё мамлакатлари Бош вазирларининг ўринбосарлари ҳамда БМТ ва Жаҳон банки вакиллари иштирок этган ушбу мажлисида Халқаро жамғарманиннг ўтган йилги иш якунлари ва бу йилги вазифалар кўриб чиқилди.

◆ Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида плёнка остига танлаб чигит экишга киришилди. Бу йил вилоятда 70 минг гектарга — бултургидан уч барававр кўп майдонга плёнка остига чигит экиш мўлжалланган.

◆ Андижон вилоятида чигит сеялқалари дала-ларга олиб чиқилди. Бу йил вилоятда 110 минг гектар ернинг барчасига туксизлантирилган уруғ қадаш, чигит экиш мавсумини 10 апрелгача тугаллаш мўлжалланган.

◆ Яна бир — Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг таъсис йўғилиши бўлиб ўтди. Унда жамият Низоми тасдиқланди, раҳбар органилари сайланди.

◆ Жиззахда Наврўз байрамига қадар бу ердаги троллейбус йўғилиши яна 5 қақиримга узайтирилди.

◆ Андижонда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги ҳамда Оила йилига бағиш-лаб вилоят тиббиёт муассасаларининг кўрик-тан-лови бошланди. Уч босқичда ўтадиган бу кўрик-танлов ғолиблари «Дамас» микроавтобуси, «Тез ёрдам» машинаси учун жиҳозлар, қимматбаҳо сова-галар берилади.

◆ Тошкентдаги Олимпия шон-шўҳрати музейида Ўзбекистон альпинистларининг дунёдаги энг юксак чўқи — Эверестни забт этиш экспедициясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. 12 на-фар ўзбек альпинисти май ойида Эверестга кўта-рилиши режаламоқда.

ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Факуллода ва Мухтор элчиси Алишер Шайхов То-киода Япония императори Акахитога ишонч ёрли-гини топширди.

◆ Парижда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан Франциянинг «Эр франс» энг йирик авиакомпанияси ўртасида шу йилнинг июнь ойидан бошлаб Тошкент билан Париж ўр-тасида ҳаво йўлини очиб тўғрисидаги ҳўжат имзо-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

Президент Ислам Каримовнинг 25 февраль кўни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида иқтисодий ислох қилишнинг устувор йўналишлари атрофида таҳлил этиб берилди. Унда микроиқтисодий барқарорликка эришиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш, ҳар бир қорхона фойда кўриб ишлаши зарурлиги энг муҳим вазифалар қилиб қўйилди. Ҳўш, бу борада пойтахт- нинг қорхоналари- да аҳвол қандай?

линди. Лекин шунга қарамай ҳақон кўллаб қорхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда.

Рақамларга мурожаат қилайлик. 1995 йилда банкротга учраган қорхона-лар сони 4 тани ташкил этган бўлса, орадан бир йил ўтган улар ҳисоби ўн-тага етди. Утган йил яку-

мани шунчаки номига, ҳўжақўрсинга тўлдириш, маҳсулот баҳоси ва то-монларнинг аниқ масъу-لياتини кўрсатмаслик охи-р-оқибатда юқоридаги салбий натижаларга олиб келади. Айтиш мум-кинки, банкротликка уч-рашга мулкдорларнинг ўз мулкига ҳўжасизларча ён-дошишлари сабаб бўл-

қарзлар тобора кўпайиб бораётганини кишини ташвишлантиради. Етар-ли даражада қонунчилик ва меъёрий асослар, бозор инфра тузилмаси яратилган, банк ва мо-лия, биржа ва улгуржи савдо тизимлари барқар-ор фаолият кўрсатаёт-ган бугунги шароитда бундай аҳвол билан му-лақо қилишиб бўлмайди.

Қорхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабаб-ларидан яна бири — ак-сарият жойларда ҳануз бозор шароитига мосла-ша олинмаётганлиқдир. Ҳали ҳам кўпгина қорхо-налар бозор талабини ўрганиб, харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини тўла англаб етмаёттилар. Уларнинг раҳбарлари бо-қимандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан дав-лат ёрдамига кўз тикиб ўтиришибди.

Хўсусийлаштиришдан кутилган натижаларга ҳам эришилмапти. Дав-лат қорхонаси хўсу-сийлашган қорхонага айланган бўлса-да, мулк — акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси ҳақиқий мулкдорга айлангани йўқ. Улар ишлаб чиқари-лишни тўғри йўлга ол-маётган раҳбарлар бил-лан мурося қилиб кела-тирлар. Натижада қорхо-на молиявий танглик ёқасига келиб қолмоқда. Энди бу билан мурося қилинмайди. Банкротлик механизмининг ишга ту-шириш иқтисодий ночор қорхоналарга ташқи бошқарувни тайинлаш вақти келди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, «Тошкент оқшомининг иқтисодий шарҳловчиси»

ЭРТАГА—УМУМШАҲАР ҲАШАРИ

Баҳор, яшариш ва орзу-умидлар айёми — кутлук Наврўз байрами серкўш диёримизга қариб келмоқ-да. Ҳаммаёқда унга пeshовз чиқиш мақсадида умум-халқ ҳашарлари ўтказилмоқда.

Мустақил давлатимиз пойтахти Тошкентда ҳам ана шундай ҳашарларни ўтказиш яқши анъанага айлан-ган. Бу ерда шунга айтиш керакки, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарорига кўра шаҳри-мизда 15 февралдан бошлаб давлат этаётган обо-донлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойларида шаҳрини жонидан ҳам севувчи ҳар бир тошкентлик ўзи яшайдиган, ўзи хизмат қиладиган жойларни орас-талашда қатнашмоқда. Шаҳримизнинг ҳамма туман-ларида кўтаринки руҳда ҳашарлар ўтказилмоқда.

Эртага бўладиган умумшаҳар ҳашарини ҳам уюш-қоқлик билан ўтказиш учун шу ишга мутасадди бўл-ган барча кишилар ва хизматлар жалб этилган. Эр-талабдан то кенгча бўлиб ўтадиган умумшаҳар ҳа-шари ҳақидаги суратли репортажimizi «Оқшом»ни-нг келгуси сонида ўқийсиз.

Бокс

АРТУРГА ОМАД ТИПАЙМИЗ!

Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, ҳамшаҳримиз Артур Григорян ўз юксак ун-вонини сақлаш учун чемпионилик даъвогар Марк Рудольф билан Навр-батдаги учрашувни ўтка-зади.

Профессионал рингда мағлубият аламини тот-маган Артурнинг рақиби тўғрисида шунга айтиши-миз мумкинки, у бундан 7 йил олдин Сиднейда бўлиб ўтган ҳаваскорлар ўртасидаги жаҳон чемпи-онатининг финал бел-лашувида айнан Григо-рянни енгиб ғалаба қо-

Шоҳалол ШОҚОСИМОВ.

ланди.

◆ Биришган Миллатлар Ташкилоти 1998 йилда Тожикистоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун 34,6 миллион доллар маблағ сўраб халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилди.

◆ Бугун Туркия Бош вазири Маъсуд Йўлмас рас-мий ташриф билан Тбилисига келади. У Грузия раҳ-барияти билан икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш масалаларини муҳо-кама этади.

◆ Бугун Косовода Сербия Бош вазирининг ўрин-босари бошчилигидаги ҳўкумат делегацияси билан бу ерда аҳолининг аксарият кўпчилигини ташкил этадиган албанлар етакчилари ўртасида музока-рлар ўтказилиши кўзда тутилган. Аммо Косово ал-банлари Сербия давлати таркибида қолмаслик-лари ва мустақил давлат тузишини талаб этаётганли-лари сабабли бу музокаралар умуман бошлангани мушкул бўлиб турибди.

◆ Сербия раҳбарияти билан Косоводаги танг-ликни ҳал этиш мақсадида бугун Европа Комис-сиясининг раҳбари Лени Фишер Белградга келади. У шундан сўнг Косовода ҳам бўлишини мўлжалла-ган.

◆ Данияда бўлиб ўтган мuddатидан олдин пар-ламент сайловлари якунига кўра сўл марказ блок вакиллари 90 ўринга эга бўладиган бўлидилар. Улар муҳолифатчилари бўлган ўнг либераллар парламе-нтда 89 ўринни олди. Бу сўл марказ блок етакчи-си социал-демократ К. Расмуссенга яна ҳўкумат тузиш ҳўкуфини берди.

◆ Норвегия ҳўкумати Россиянинг бу ердаги 5 дипломатини жосуликда айблаб, мамлакатдан чи-қариб юборишга қарор қилди. Норвегия Бош вази-рининг 17 мартда Москвага мўлжалланган таш-рифини ҳам қолдирди.

◆ Россия ҳўкуматининг қарорига мувофиқ 29 мар-ртдан 25 октябргача мамлакатда «ёғзи» вақт жорий этилди. Шу муносабат билан 29 март тун 2 да соат миллари 1 соат илгарига суриб қўйилади.

1998 йил 18 март куни соат 15 да «ОНИКС» очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти акциядорла-рининг мuddатидан илгари умумий йўғилиши ўт-казилади.

Йўғилиш кун тартибига қўйидаги масалалар қўйилган:
1. «ОНИКС» очик турдаги ҳиссасдорлик жамия-ти акциялари пакетини тақсимлашни қайта кўриб чиқиш тўғрисида.
2. «ОНИКС» ҳиссасдорлик жамияти Низомига ўз-гартишлар киритиш ва уни тасдиқлаш тўғрисида.
3. Кузатиш кенгаши таркибига қўшимча сайлов тўғрисида.
4. Турли масалалар.

КУЗАТИШ КЕНГАШИ.



Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси Олий Мажлиснинг X сессиясида биринчи ўқишда тасдиқланди. Жамоатчи муҳбиримиз ушбу кодекс яратилишидан кўзланган мақсад ҳақида А.Д. Вазирлиги фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси Муъссар МАДУМАРОВА билан суҳбатлашди.

— Амалдаги бу ҳужжатнинг Оила кодекси деб номланишига сабаб нима? — Чукүрроқ мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак «оила» тушунчаси «никоҳ» сўзидан кўра кенгроқ маънога эга. Яъни никоҳдан сўнг оила кенгайди, ривожланади.

Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 июлдаги Фармойишига кўра, «Никоҳ ва оила» кодекси умумлаштирилган ҳолда «Оила» номи билан юридиларига бўлди.

— Кодекснинг аввалги ва ҳозирги тузилишида қандай фарқли жиҳатлар бор. Ундаги ўзгариш ва тахирларга тўхталсангиз.

— Қабул қилиниши мўлжалланаётган бу кодекс ҳам ўзлигимизга қайтиш йўлидаги эзгу ишлардан бўлди. Унда урф-одатларимиз, маҳалла ва хотин-қизлар кўмитасининг оилавий мождорларга аралашуш ҳуқуқлари қафолатлаб берилди. 1-бўлим «Умумий қоидалар» деб номланган бўлиб, унинг 5-моддаси «Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар» кенг эътироф этилади. Унда оила қонун ҳужжатларида тегишли меъёрлар бўлмаган тақдирда оилавий

Оила кодекси

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН

муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва аъналарнинг қўлланилиши кўрсатилган.

— Албатта, лойиҳавий ҳужжат оиланинг соғломлигини ва барқарорлигини ҳам таъминлашни кўзда тутган бўлса керак?

— Лойиҳанинг асосий бўлимларидан бири «Никоҳ» (2-бўлим) деб номланган. Унинг 17-моддаси сиз тақкидлаб ўтган масалани эътиборга олган. Яъни никоҳдан ўтаётган шахслар ўз розилиқларига кўра, тиббий кўриқдан ўтишлари назарда тутилди. Бу ҳол эса соғлом оила ва баркамол авлоднинг вужудга келишида катта аҳамиятга эга.

— Никоҳ муқаддас тушунча. Никоҳ тузилди, албатта унинг қоидаларига амал қилиниши керак. Ҳўш, бу борада мазкур ҳужжат нималарни тавсия этмоқда?

— Бунга жавоб тариқасида аввалги кодексда мутлақо ҳисобга олинмаган «Никоҳ шартномаси» (29-модда)га тўхталиб ўтишим керак. Бу шартнома томонлар хоҳишига кўра тузилиши мумкин бўлиб, эр-хотин ўртасидаги мулк муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Шартноманинг тузилиши мутлақо ихтиёрий бўлиб, у ёки бу томоннинг ҳуқуқларини бузиши ёки улардан бирини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эмас. Шартнома бир қанча шартларни ўз ичига олади ва зарурат туғилганда уларни бекор қилиши мумкин.

Лойиҳа суд эр-хотинни яраштириш чораларини кўради, деган фикрни янада ривожлантирган. Чунки, лойиҳада суд эр-хотинни яраштириш чораларини кўриши, жумладан ажралиш тўғрисида келиб тушган аризалар ҳақида маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарига хабар бериб, улар билан бамаслаҳат иш тутиш ва оилани сақлаб қолишга тўла ҳаққидир. Бундан ташқари, никоҳ суд тартибида бекор қилингандан сўнг анча фурсат ўтиши талаб қилинарди. Лойиҳада бу жараёнинг анча соддалаштирилишига эришилди. Суднинг никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори ажралганлик гувоҳномасига тенглаштирилиши белгилаб қўйилди.

— Лойиҳада «Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш» деб номланган 3-бўлим ҳам унинг тўла маънода миллийлаштирилгандан далолат беради, шундай эмасми?

— Мазкур бўлим қариндошлик ва қанда-андачилик муносабатларини чуқурлаштиради. Бу бўлимда қариндошлик тушунчаси, қариндошликнинг яқинлиги, тўла ва тўла бўлмаган қариндошлик ҳамда қайин-буйинчилик ва қанда-андачилик тушунчалари берилди. Фақат берилдигина эмас, балки бу муносабатларнинг янада ривожлантирилишига кенг йўл очилди. Бу эса мерос масалаларини, қондош ва ўғай ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Оила ота-она ва фарзандлардан иборат. Оила кодекси лойиҳаси бу ҳақда нима дейди?

— Бунга ҳам алоҳида бўлим ажратилган. «Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган мазкур 4-бўлим оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини кенгроқ маънода шарҳлаб берган. Жумладан, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, унинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал бўлаётганда боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи, фарзанднинг оиладаги хусусий мулки бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Мулкий ҳуқуқий мажбуриятлар фуқаролик кодекси нормалари билан боғлиқ ҳолда белгилаб берилди.

— Назаримда, аввалги ва ҳозирги кодекс орасидаги сезиларли фарқларни санаб ўтдингиз. Хулосангиз қандай?

— Лойиҳанинг 5,6,7,8-бўлимларида ҳам оилавий ҳаётда учрайдиган ҳолатларни қонунан мустаҳкамлашга ёки барқарорлаштиришга, ривожлантиришга қаратилган моддалар ишлаб чиқилган. Хулоса тариқасида шунни айтишим мумкинки, Оила кодексининг қабул қилиниши миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулкар ТҮЙМАНОВА суҳбатлашди.

Маъсуджон ҳам болалик чоғидан авлоддан авлодга ўтиб келаятган ота-мерос хунарга меҳр қўйди. Отаси уста Маҳмуд хожи ўз ўғилларига қандакорлик ва мисгарлик сирларини ўргатар экан боболари Тўхташ охун, дадаси Мадали хожиларнинг ҳам бу хунарга меҳр қўйганларини. Марғилон шаҳрида улар ясаган буюмлар жуда ҳам эъзозланганлигини эринмай гапириб, болаларида ҳам бу санъат асарларига кизиқш ҳамда ихлос уйготарди.

Маъсуджон отасининг ҳикояларини эшитиб, унинг қўл ҳаракатларини кузатиш жуда ёқарди. Отаси нима иш буюрса тезда бажаришга ҳаракат қиларди. Катта ўғлидаги бу интилох Маҳмуд хожини бениҳоя мамнун этарди. «Хунаримни хор қилмайди, зийрак, хунарга ихлоси баланд бунинг» деб кўнглидан ўтказарди ота ва ўғлига омад тиларди.

Чинданам Маъсуджон Мадалиев ота хунарини — 300 йиллик тарихга эга бўлган мисгарлик ва қандакорликни эгаллаб, уни юксак санъат даражасига кўтаришда ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

— Бу хунарни эгал-

У ЯРАТГАН АСАРЛАР

Америка музейига қўйилган



лашда аввало кишининг ўзида иштиёқ бўлиши керак, — дейди Маъсуджон Мадалиев. — Кейин эса сабр-бардош, кунт, санъат асарларини севиш, уларни эъзозлаш каби хислатлар ҳам мужассам бўлмоғи зарур. Олдимга жуда кўп ёшлар хунар ўрганиш учун келишади. Лекин баъзида хафа бўлиб кетаман уларда сабр-қаноатнинг йўқлигига. Баъзилари эса тезроқ шу хунарни ўргансаю мўмай даромад олса. Ахир бу санъат унутилиб кетаётган қадриятларимизни тиклашқу.

Маъсуджон Мадалиев фарзанди Фарруҳга ҳам ёшлиғидан ўз хунари сирларини эгаллашда астойдил ёрдам берди. Буларни Фарруҳ ҳам мисгарликни мукамал ўрганиб олди. У яратган санъат асарлари — офтоба, чойдиз, лаган, пиёла ва бошқа маҳсулотлар кўргазмаларга қўйилиб халқимизга завқ бағишламоқда.

Маъсуджон Мадалиев 20 йилдан буён шаҳримиздаги «Усто» бирлашмасида қандакорлик билан шуғулланиб, шу билан бирга ёшларимизга бу санъат сирларини ўр-

Замондошларимиз

олий «Дистарбанди» мукофотига сазовор бўлди. У яратган лаган, пиёла ва чой термаси қатнашчиларда катта қизиқш уйғотди. Бундан ташқари Маъсуджон Мадалиевнинг яратган санъат асарлари Американинг фольклор музейига қўйилган. Шунингдек, Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида ўз санъатини намойиш қилди. Швейцарияда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада муваффақият билан иштирок этди.

— Иш қуролларимиз болға ва миҳ, — дейди Маъсуджон ака, — лекин бу асбоблар билан оддий металлдан кишига завқ берадиган даражада санъат асарлари яратишнинг ўзи йўқмайди. Мен тарихни ўрганишга, ана шу тарихдан келиб чиқиб асарлар яратишга интиламан. Нақшларни қайта-қайта ишлайман. Чунки бу нақшларда ҳам миллийлик акс этиб, кишиларда фахрлини туйғусини уйғотса дейман. Албатта, халқимиз жуда бой тарихга эга. Ана шу тарихимиз саҳифаларига ўзимнинг санъат асарларим билан муносиб ҳисса қўшсам, миллий хунармандчилигимизнинг ўлмас асарларини келажак авлодга мерос қилиб қолдирсам ҳамда муносиб шогирдлар тайёрласам дейман.

Шарифа ИЛЁСОВА.

«Хамкорлик МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ КўЛАМИ» Республикаимиз билан хорижий давлатлар — жумладан, Германия ўртасида турли соҳаларда, хусусан, маданий алоқалар борасида ҳам кенг ҳамкорлик тобора ривожланиб борапти. Ҳўш, янги — 1998 йилда бу борада қандай ишлар амалга оширилади? Халқимизни немис маданияти билан ошно этиш йўлида қандай тадбирларни ўтказиш кўзда тутиляпти? Жамоатчи муҳбиримиз билан Германиянинг «Узбекистондаги элчи» уюмаси биринчи каттабаси Сюзанне Велтер хонимга мурожаат қилди.

— Германия билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда, жумладан, маданият борасида ҳам ҳамкорлик қўнда-қўнга ривожланиб бораётганидан бениҳоя мамнунимиз, — дейди Велтер хоним ўз сўзида. — Бу йил Германия томонидан республикамизда бир катор маданий тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, янги йилдан бошлаб республика Киночилар уюмда немис фильмлари намойиш этиб келинмоқда. Ҳар haftaда иккитадан немис фильмлари кўрсатиляпти. Апрель ойининг бошида бўладиган воқеа бу йилги маданий алоқаларимизнинг энг муҳими бўлади. Тошкентда Германиядаги «Гете институтининг» бюроси очилади.

— Эда эса поп мусикасига бағишланган «Ўзбек-немис фестивали» бўлиб ўтади. Мазкур фестивалда қатнашш учун Германиядан 2 та поп гуруҳи келиши кўзда тутилмоқда. Маданий алоқаларимизнинг ана шундай тарзда кун сайин тобора ривож топиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Мирзаали АКБАРОВ.

Хамкорлик

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ КўЛАМИ

Республикамиз билан хорижий давлатлар — жумладан, Германия ўртасида турли соҳаларда, хусусан, маданий алоқалар борасида ҳам кенг ҳамкорлик тобора ривожланиб борапти. Ҳўш, янги — 1998 йилда бу борада қандай ишлар амалга оширилади? Халқимизни немис маданияти билан ошно этиш йўлида қандай тадбирларни ўтказиш кўзда тутиляпти? Жамоатчи муҳбиримиз билан Германиянинг «Узбекистондаги элчи» уюмаси биринчи каттабаси Сюзанне Велтер хонимга мурожаат қилди.

— Германия билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда, жумладан, маданият борасида ҳам ҳамкорлик қўнда-қўнга ривожланиб бораётганидан бениҳоя мамнунимиз, — дейди Велтер хоним ўз сўзида. — Бу йил Германия томонидан республикамизда бир катор маданий тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, янги йилдан бошлаб республика Киночилар уюмда немис фильмлари намойиш этиб келинмоқда. Ҳар haftaда иккитадан немис фильмлари кўрсатиляпти. Апрель ойининг бошида бўладиган воқеа бу йилги маданий алоқаларимизнинг энг муҳими бўлади. Тошкентда Германиядаги «Гете институтининг» бюроси очилади.

— Эда эса поп мусикасига бағишланган «Ўзбек-немис фестивали» бўлиб ўтади. Мазкур фестивалда қатнашш учун Германиядан 2 та поп гуруҳи келиши кўзда тутилмоқда. Маданий алоқаларимизнинг ана шундай тарзда кун сайин тобора ривож топиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Мирзаали АКБАРОВ.

Машиный хизмат

ИККИ СОАТДА ЯНГИДЕК

Шаҳримиздаги кимёвий усулда кийим тозалаш жамоа корхонасининг 5-бўлими Машиный хизмат уйи биносига жойлашган. Аҳолига беминнат хизмат кўрсатиши, уларнинг оғирини енгил қилиши зиммасига олган бўлим ишчи-хизматчилари бугунги кунда ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини излаб топишга ҳаракат қилмоқда-миш, — дейди бўлим бошлиғи Абдор Эгамбердиев. — Чунки сифатли меҳнат ҳамда тадбиркорлик билан иш юритиш асосидагина янги мижозларни ўзимизга жалб этишимиз мумкинлигини ҳар бир хизматчимиз яхши англаб етди. Кунига юзлаб одамларнинг ҳождатини қийарамиз. Илгарилари кийимларни 1-2 кунда тозалаб берсак, ҳозирда мижознинг талабидан келиб чиқиб ана шундай тозалаш ишларини 2-3 соатда адо этиб беришимиз мумкин. Бунинг учун бўлимимизда малакали ишчиларимиз бор, барчата тозалаш асбоб-анжомлари эса етарли. Шунингдек, шаҳримиз бўйича фақат бизнинг бўлимимизда чопон-тўнлар кимёвий усулда тозалаб берилади. Ўтган

зоғиб келмоқда. Бўлим шаҳримиздаги жамоа корхонасига қарашли бошқа бўлимлар орасида илғорлардан саналади. Бу ерда ҳар ойда 300-350 минг сўмлик иш бажарилади. Айниқса, Мирзохид Азимов, Башира Абдунабиева сингари ишчилар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб, аҳоли хизматига ҳамишашай турибдилар.



вало қабул қилувчи ходим билан мулоқотда бўлади. Бу бўлимда 16 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Мамлакат Абдулаева ўзининг муомаласи ҳамда чаққонлиги билан мижозлар хурматини қо-

— Мен бу ерда жуда кўп кийимларимни тозалатаман, — дейди мижоз Ҳайдар Содиков. — Топшириқинг тез, сифатли, кўнглингиздагидай бажарилиши менга ёқади. Бошқалар ҳам шундай илиқ фикрларни билдиришди. Бундан кўриниб турибдики, уларнинг хизмати аҳолига маъқул тушмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА. СУРАТЛАРДА: уста Башира Абдунабиева 22 йилдирки аҳоли хизматига, у ҳар бир кийимнинг кўнглидагидек тоза бўлишига эришмоқда; кийимларни қабул қилувчи Мамлакат Абдулаева ўз ишининг устаси. Усмон Усмонов олган суратлар.



Наврўз



Баҳор — висолга кечиккан қизга ўхшайди бугун. Қиш эса уни қутган, ҳуноби ошган йигит. Қовоғи солиқ, боқишлари найзадек. Барибир баҳор отлик гўзалнинг бир табассуми кифоя: қишнинг қалбидаги муз эриб кетади.

— Кула қолсанг-чи, Баҳор, — шивирлайди шамоллар. — Табассум қилгин, Баҳор, — қуёшга интиқ ялпизлар илтижо қилади. — Жамолнинг намоён қил, — чуғурлашади қушлар. Лекин баҳор кулгусини гулдек қилиб сочмайди. Қишнинг кўнглига қараса керак-да! Охири осмонни тўлдирган булутларнинг чоки сўкиди. Сим-сим том...

КЕЛАҚОЛ, СЕНГА ИНТИҚМИЗ

чилар тўкила бошлади. Қуёшнинг нурларига қўшилиб, Баҳорнинг табассуми сочила бошлади. Худди ширин қўшиқдек туюлади.

Кўшиқ — бугун зангори осмон Кўшиқ эрур жоним она Ер. Тирикликдир эзгу бир жаҳон, Кўшиқ — эзгу муқаддас шивир. Баҳор келар, кетади яна, Ёз бўлади тагин парвона, Фақат кўшиқ яшар абадий, Абадийдир кўшиқ ягона! Шу кўшиққа ўхшайди Наврўз! Шу кўшиқдай суюқликдур бизга Наврўз. Интиқ юракларга нур улашиб, меҳр улашиб келади юртимизга Наврўз. Мўъжиза борлигига ишонасизми? Ишонмасангиз Наврўз кўни оламага бир назар солинг. Интиқлик билан, интизорлик билан назар солинг. Кечагина дилдираб турган новдаларда оқ, пушти, қирмизи гуллар яшнаб турибди. Ариқларнинг лабиди табассум: майсаларнинг, ялпизларнинг сичқонқулоқлари ям-яшил. Булар чинакам мўъжиза эмасми?

БАҲОР НАФАСИ

Новдада бўриққан куртаклар маржон, Артилган шишадек чарақлар осмон. Қуёшнинг тафтидан олам чарогон, Табиат уйғонар фасли баҳор бу.

Яшиллик кўйинида анҳор қиргоғи, Олмос камар янглиғ сойнинг ирмоғи. Офтобга интилар майса япроғи Яшариш, тозариш — элга ёқар бу.

Наврўзим, соғинган кўнгиллар яйраб Баҳорий сеҳрдан қушчалар сайраб Қўлват бағридадир Наврўздек байрам, Саҳоват, саодат сим-сим ёғар бу.

ВАТАН БОҒЛАРИ

Завқланиб олдим қалам тонгда бир орузу билан, Илҳом париси келди, нозланиб кулгу билан. Юракда тўлқинлана гулбаҳор туйғулари, Қоғозга чиздим уни, садафдек инжу билан.



ИБРАТНОМА

УМРИБОҚИЙ ҲИКМАТ

Жаноби РАСУЛУЛЛОҲ ДЕДИЛАР:

- Оға иниси биландир.
• Юқоридаги қўл пастагидан хайрликдир.
• Хайрлик ишни қарамогиндигилардан бошлагин.
• Унгингни чапингга ёмонлама.
• Ҳалол тожир кам бўлмайди.
• Отнинг ичи хазина, ташқариси эса қалбадир.
• Очиқ кўзнинг юмуқ кўзни асраши катта бойликдир.
• Илдизи тупроққа кирган хурмонинг меваси ўзи биландир.
• От хотиржам, атроф тинчлик.
• Кам бўлса ҳам етадигани, кўп — лекин зарар келтирадиганидан яхши.
• Омонатни ўлжа, садақани жарима деб тушунмас экан умматим ичра доимо яхшилик барқарордир.
• Ақлнинг боши иймондан сўнг халқ билан муроса қилишдадир.
• Яхши деб барака толган, суқут сақлаб саломат бўлган бандасини Оллоҳ раҳмат этсин.
• Йўл ўртасида ўлтирма, гап ёқмаса ерга қара, саломга алик ол, адашганга йўл кўрсат, заифга ёрдам бер.
• Сен фақат еганинг, кийганинг ва кеттиганинг эгасисан.
• Қабул бўлмаган дуо, итоат этмаган қалб ва фойда келтирмаган илмдан Оллоҳнинг ўзи асрасин.
• Бир-бирингизга ҳақлар қилинг, бир-бирингизни севазилар.
• Борди-келди қилинлар, бир-бирингизни дафн қилмайсизлар.
• Қадрини билган ҳалок бўлмайди.
• Илм талабиди эшитилган мактов яхши мактовдир.
• Бировнинг уйига кирганинда овозингни паст қил, бу уй аҳлига бўлган хурматдир.
• Камситилган кучли одамга, фойда келган бойга раҳм қилинг.
• Сўнгра жоҳиллар орасида қолган олимга ҳам.
• Эрта билдирилган таъзиядан, кечиккан табрик яхшидир.
• Ўлимни тез-тез эсланг.
• Моли кетса ҳам гапининг субутини сақлаган одамга неъматлар бўлсин.
• Меъда касаллик уйдир, ҳимья (парҳез) давонинг бошидир. Баданни шу оддий нарсага ўргатинг.
• Олим бўл, ўрганувчи бўл, жағов берувчи бўл, савол берувчи бўл, лекин бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан.
• Ўлимга ишонган одамнинг мағрурлигини тушунмайман, ажабланиман.
• Отаси боласига гўзал ододдан олий нарсани тақдим эта олмайдир.
• Бахилнинг молига меросхўр топилганини хабар қил.
• Болага болаларча муомала қил.
• Ўзини енгган эўр.
• Мўмин — биродарининг кўзгусидир.
• Надомат тавбадир.
• Ашёларга муҳаббат кўзни кўр, қулоқни қар қилади.
• Одамларга раҳмат айтмаганга Оллоҳ раҳмат айтмайди.
• Етим балоғатга етгач, «етим» номидан халос бўлади.
• Одамларни рози этиш, англаш қийин фалсафадир.
• Илм хазина бўлса, қалити савол бермоқликдир.
• Молингизни закот билан маҳкамланг, касалларингизни садақа билан даволанг, ғам-ғуссаларни истиғфор айтиб қайтаринг.
• Жигаринг ёнига хурсандлик билан киргил, ғамини енгиллаштири ёки ҳожатини чиқар.
• Ўзининг ёмон амалини тан олган ҳам муҳсиндир.
• Кимки гуноҳ қилса-да, гуноҳдан вайждани азобланса, истиғфор айтмаса ҳам яратувчи унинг гуноҳидан ўтади.
• Фалсафа фанлари доктори Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ нашрга тайёрлади.

Миср янгиликлари

ЯХШИТ ТИЗИМ

МИСР ва Ливия электр тармоқларини бир-бири билан туташтириш амалга оширилмоқда. Бу Африка қитъасида ягона яхши электр энергия шохбачалари яратишда илк қадам бўлади. Шундан сўнг қитъани электр энергияга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш билан бирга ошқинча электр энергиясини сотиш имкони ҳам яратилади.

ЖАНУБ БОЙЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТДА нефть конларини қидириш, уларни ишга тушириш учун киритган сармоялар ҳажми сўнгги бир ярим йил ичидагина 18 миллиард долларга етган. Мисрда айни чоғда ноанъанавий соҳаларда суюқ нефть маҳсулотлари ўрнига табиий газдан фойдаланиш режаси ҳам амалга оширилмоқда.

ЯРМАРКА ОЙЛИГИ

ШУ ЙИЛ 20 июлдан 20 августгача бу ерда бир ой давомида йирик ярмаркалар ўтказишга қарор қилинди. У мамлакатдаги кўргазмалар ўтказиш майдони, Наср шаҳарчасидаги йирик анжуманлар маркази худудиди ҳамда Қизил денгиз соҳилидаги ал-Гардақа шаҳрида ўтказилади. Ярмарка ўтадиган ой давомида самолёт чипталари нархи бирмунча арзонлаштирилади, қўшимча парвозлар амалга оширилади. Шунингдек, ярмаркада ўз молларини сотадиган чет элликларга имтиёзлар бериш, уларни бож-



лардан озод қилиш, чора-тадбирлари кўрилмаган. Миср савдо ва саноат палатаси чет элликларни ярмаркага жалб этиш, уларнинг у ердан муайян нарсаларни харид қилишларини рағбатлантириш мақсадида товар-маҳсулотларини импорт қиладиган махсус бозорлар очади.

ТУЯҚУШ ГЎШНИНГ ТОТМАПСИЗ...

ТУЯҚУШ гўшти донги кетган меҳмонхоналарда хўрадаларнинг энг сеvimли таомига айланган бормоқда. Бунинг учун ал-Исмоилияда туяқуш очиб боқишга ихтисослашган паррандачилик фермаси ташкил этилди. У мўмай даромад келтирмоқда. Нафақат Мисрда, балки Яқин Шарқ минтақасида янгилик ҳисобланган бу фермада Намибиядан туяқуш тухуми келтирилиб, юқори технология асосида, мисрлик ва чет эллик малакали мутахассислари назорати остида ҳўжа очирилиб, бир неча ой мобайнида парварош қилинади. Палапонлар маълум вазнга етгач, фермадан тўғри йирик меҳмонхоналар ошоналарига жўнатилади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

МАБЛАРИНГИЗ УЧ БАРОВАР ТЕҲЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШНИ ТУШУНТИРИШ БЕРАДИЛАР.

DAEWOO C&C



Ўз моделларини 20% гача сийлов билан тақдиф этади. Сиз бор йўри 50 минг сўлга идоратингиз билан унингга замонавий алоқа тизимини сотиб олишингиз мумкин. Номларингиз оқми 4 дан 128 гача. Фойдаланиш учун қулай. Автомат оператор. DAEWOO C&C Сизга фойдали шартларда дилерингиз бўлишингиз учун имкон беради. Харидингизни уч кун ичда етказиб бериш кафолатланади. Дилерларимиз: Ховолек-Д, ОШН-Телеком, Районий Беш Бўғ, Сардор-Телеком, ООО «Центр маркетинг», Артамонов Нур-Алиё, Назар Истифод, ЭКС ПРО, DIGITAL TECHNOLOGY. Нутуз ш. тел.: (96122) 7-57-56, 2-43-40. Тел.: (3712) 79-85-47, 79-85-67, Факс: (3712) 79-58-02. Андреев ш. тел.: (3742) 24-26-01. Тел.: (3712) 40-42-33, 45-62-36. Тел.: (371) 132-10-26. Тел.: (3712) 66-26-44. Тел.: (3712) 55-31-30. Тел.: (3712) 45-98-21, 45-76-46. Тел.: (371) 162-01-43, 169-46-13. Фергана ш. тел.: (3732) 26-95-99. Урқин ш. тел.: (36222) 6-44-40. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 56 (7 қават).

ҚУРИҚ ҚИЛИНГ: СИЗНИ АЛОҲИДА ИМТИЁЗЛАР КЎТМОҚДА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДЛАРИДАГИ ХУНАРМАНДЛАР, ХАЛҚ УСТАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз 5 йилгача ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларингизга солиқ тўлашдан озод этилишни, хом ашё топишдан, асбоб-ускуналар билан таъминлашдан қийинмаслигини истасангиз, ишлаб чиқарган маҳсулотларингизни бемалол сотиш ҳуқуқига эга бўлишни хоҳласангиз, «Хунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлинг.

Бу уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741 «Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази қошида тузилди. Уюшманинг янги манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фани Мавлонов кўчаси, 18-уй (илгариги Тимирязев кўчаси). Тел.: 34-35-01, 34-02-13, 34-01-09.

ХУРМАТЛИ ДАВЛАТ ВА ШАХСИЙ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭЪГАЛАРИ!

«Узданнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси, ўзинг Тошкент вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси, «Узданнефтмаҳсулот» бошқармаси билан биргаликда ўз тасарруфидида ва барча хусусийлаштирилган ёнлиги тарқатиш шохбачалари ишчи тўдани яхшилаш, замонавий талаблар даражасига кўтарилмақсда, Сиз хизматларидан фойдаланаётган шохбачаларда сотиладиган автобензиннинг микдорини рақамли кўрсаткич орқали назорат қилинг, микдоридан кам берилса ва унинг сифати бўйича эътирозингиз бўлса қуйидаги ташкилотларга телефон орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. 1. Чинобод нефть базаси — телефон: 133-89-71, 133-71-39. 2. «Тошкентнефтмаҳсулот» корхонаси — телефон: 24-75-92, 24-72-00. 3. «Узданнефтмаҳсулот» ХБ — тел: 136-37-13, 133-37-45. 4. «Узданнефтмаҳсулот» бошқармаси — телефон: 68-22-42, 68-04-50. Ёнлиги тарқатиш шохбачалари фойдаланиш аҳолилаш ишига қўшган ҳиссанигиз учун аявдан миннатдорчилик билдирамиз.

Тошкент шаҳридаги 5 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига ва Ақмали Икромов тумани нотариал идорасидаги ўрни бўш жойга ўтказилган талнов муддатда 45 кунга давом эттирилди. Қамза туман 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси А. Зубайраевага берилган 000053 рақамли лицензия Адлия бошқармасининг буйруғи билан бекор қилинди. Шайхонтоҳур туманидаги «ШЕРБАХОДИР» хусусий фирмаси тугатилди. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Яққасарой туманида планли уй СОТИЛАДИ. Газ, канализация, телефон, сауна, сув ҳавзаси маъжуд. Тел: 50-88-92.

Тошкент автомобиль йўллари институтининг ректорати ва жамоаси Нафисахон Арифжановага онаси ТУРСУНОЙ аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига биноан шаҳримизнинг барча туманларида ху-

дудларни санитар тозалаш бўйича ягона буюртмачи Дирекцияси ташкил этилди. 1998 йил январь ойидан бошлаб мулкчиликнинг ва тасарруфнинг шаклидан қатъи назар барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек уй эгалари хўжалик-маиший чиқиндиларни тўплаш ва чиқариб ташлаш учун буюртмаларни фақат туманларнинг ягона буюртмачи Дирекцияси орқали амалга оширишлари керак. Барча шу масалалар бўйича қуйидаги 45-06-46, 45-05-68 телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Манзилимиз: Халқлар дўстлиги майдони, 1-уй. 2. Мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидан қатъи назар хўжалик-маиший чиқиндиларни тўплаш ва чиқариб ташлашни хоҳловчи барча корхоналар ўзларининг хусусий автотранспортларида ташиш учун «Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш» бўйича Бошқармага 45-06-46, 45-05-68 телефонлари орқали, Халқлар дўстлиги майдони, 1-уйга мурожаат қилишлари керак.

